

## Жерар ЛАРШЕ: Ўзбекистон МИНТАҚАНИНГ уриб турган ЮРАГИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси **Танзила Норбоева** бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Францияда бўлди. Париж шаҳрида Франция Сенати раиси **Жерар Ларше** билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Жерар Ларше ҳозирда юртимизда кечаётган туб янгиланишлар жараёнини мамнуният билан тилга олиб, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг чинакам бозор иқтисодиётига ўтиши ва жаҳонга очилиш йўлида амалга оширган ишлари салмоқли эканини эътироф этди. Хусусан, у:



«Ўзбекистон минтақада аҳолиси энг кўп бўлган кучли давлат – Марказий Осиёнинг уриб турган юрагидир. Айниқса, жаҳонда бугунги кунда кузатилаётган мавҳумлик ва нотинчлик шароитида давлатингизни минтақадаги хавфсизлик ва тинчлик маркази деб била-МИЗ», **дея таъкидлади.**

### ТАҚДИМОТ

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида янгиланган ва лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосида илк бор chop этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобининг тақдимоти ўтказилди.



**80 000** дан ортиқ сўз ва бирикмалар

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китоби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги тегишли фармони билан тасдиқланган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастурига асосан илк бор лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосида тайёрланган ва 6 жилддан иборат.

Ундан ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминлар, бир неча шевада қўлланадиган сўзлар, баъзи тарихий ва эскирган атамалар ўрин олган.



## ШАХСНИНГ ТАРИХДАГИ РОЛИ

ёхуд **ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ**  
ФЕНОМЕНИ  
ва унинг **ЎЗБЕКИСТОН**  
ҳамда **МАРКАЗИЙ ОСИЁ**да  
КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

2-, 3-, 4-, 5-саҳифаларда ўқинг >>

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМҚОНФЕДЕРАЦИЯСИДА ЁШЛАР КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ



Шу йил 20 июль кuni Касаба уюшмалари умумқонфедерацияси Ёшлар кенгашининг аралаш – юзма-юз ва онлайн форматдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ёшлар кенгаши аъзолари, Касаба уюшмалари умумқонфедерацияси аппарати ҳамда халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари ходимлари иштирок этди. Дастлаб ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси **Умид Зикриллаев** Касаба уюшмалари умумқонфедерацияси Ёшлар кенгаши раиси этиб сайланди.



Кенгаш раиси ўринбосарлари этиб Россия нефть ва газ қурилиши касаба уюшмаси аппарати ижтимоий-иқтисодий бўлими етакчи мутахассиси Александра Мазур ҳамда Озарбайжон касаба уюшмалари конфедерацияси аппарати ташкилий-ахборот бўлими мутахассиси Кара Агаев сайланди.

Шунингдек, тадбирда Кенгашнинг 2023 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган асосий тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

## Сув бор ерда жаёт бор



Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги билан Жиззах вилоятда ичимлик сув таъминотидаги камчиликлар аста-секин барҳам топа бошлади. Эндиликда нафақат Жиззах шаҳри, балки обихаёт танқис туманлар аҳолисининг тоза ичимлик сува бўлган талаби қаноатлантирилади.

8-саҳифада ўқинг >>



## ҚАМРОВ ЯНАДА ОРТАДИ

Бухоро вилоятида жажжи ўғил-қизларнинг мароқли дам олишини таъминлаш учун айни чоғда **143 та** стационар оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончаси фаолият юритмоқда. Мавсум давомида бу масканлар **18 минг 435 нафар** ўқувчига хизмат кўрсатади.

7-саҳифада ўқинг >>

### БИЛАСИЗМИ?

**Меҳнат кодексига мувофиқ**, жамоа келишувиде ёки жамоа шартномасида ходимни иш берувчи томонидан ишдан бўшатишда касаба уюшмасининг розилигини олиш белгиланган бўлса, **касаба уюшмаси розилигисиз** ходимни ишдан бўшатиш мумкин эмас.

Касаба уюшмаси розилигини олиш учун унга тақдимнома киритилади, касаба уюшмаси **10 кунда** уни кўриб чиқиб **хулоса беради, хулоса 1 ой амал қилади**, 1 ойдан кейин мазкур хулоса билан ходимни ишдан бўшатиб бўлмайди.

Иброҳим ҒАҒУРОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## БАДИЙ ВА ИЛМИЙ ТАРЖИМА – МАДАНИЙ ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

8-саҳифада ўқинг >>



# ШАХСНИНГ ТАРИХДАГИ РОЛИ

ёхуд **ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ** ФЕНОМЕНИ

ва унинг **ЎЗБЕКИСТОН**  
ҳамда **МАРКАЗИЙ ОСИЁ**да

КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

**Эҳтимол, мақола сарлавҳасиданоқ қандай фикр-мулоҳазаларни айтмоқчи бўлганим аён дир. Лекин Янги Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ ушбу мавзу бўйича ҳали мамлакатимизда бирон-бир илмий изланиш олиб борилмаган. Демак, масалала ёндашувимда ҳам кўпроқ публицистик руҳ устун бўлса, маъзур тутгайсиз. У ёки бу буюк шахсни вужудга келтирган ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бўлади. Шу боис шахснинг тарихдаги роли каби ўта жиддий масалани тизимли ёндашув ёхуд тизимли таҳлилсиз тадқиқ этиш, менимча, илмийликдан йироқ ва анча жўн хулосаларга етаклайди.**



## МАСАЛАНИНГ МОҲИЯТИ

Шу ўринда айтиш жоизки, эҳтимол, ривожланган демократик давлатларда коллектив бошқарувга асосланган ҳокимиятлар бўлиниши, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни таъминлаш тизими барқарорлик ҳамда хавфсизлик гаровига айлангани баробарида аллақачон ўзининг авж нуқтасига етгандир. Бошқа бир томондан, айнан жамоавий бошқарув фондида сиёсий раҳбарнинг етакчилик роли, ҳақиқатан ҳам, заифроқ намён бўлади.

Сўнги пайтларда бундай вазият Фарбда нафақат кўриб чиқилаётган мавзуга, балки умуман фалсафа фанига, жумладан, тарих назариясига ҳам қизиқиш пасайишига олиб келмоқда. Бу эса, вақт ўтиб, жамоавий бошқарувнинг баъзан жамият тақдирига жамоавий масъулиятсизликдек ўта жиддий яна бир муаммосини юзага келтириши мумкин.

Бироқ ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг бироз ўзгача манзараси мавжуд дунёнинг бошқа ҳудудларида шахснинг ролига қизиқиш анча юқориликка қолмоқда.

Хусусан, ривожланган мамлакатлар қаторига кирувчи Мар-

казий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам сиёсий етакчининг роли инкор этиб бўлмайдиган ҳамда ҳал қилувчи омил бўлиб, модель танлаш ва ислохотлар суръатига ўз таъсирини ўтказаетир.

Классик фалсафа қонунилари ҳам, замонавий сиёсатшунослик фани ҳам буюк шахсларнинг тарихда туганган беқийс ролини инкор этмайди. Айниқса, Осиё мамлакатларида биринчи раҳбар, унинг шахсий мавқеи ва малакаси, шак-шубҳасиз, у етакчилик қилаётган давлатнинг муваффақияти ёки камчилигини белгилаб беради.

Очиғи, ўзбекларга ҳам хос бўлган шарқона менталитетни ҳисобга олсак, давлатнинг биринчи шахслари ҳақида фикр юритганда ёки ёзганда, меъёрни сақлаш жуда қийин. Мен ҳалқимизнинг маънавий-ахлоқий кодексига «андиша» тушунчаси билан кирган миллий ўзлигимизга хос назокат, хушмуомалалик, эҳтиёткорликни назарда тутаямман. Назаримда, бу миллий тарихимизни бугунги глобал ва ўзгарувчан дунёга мослаштириш вақти келди.

Айниқса, нарсаларни ўз номи билан аташ талаб этиладиган катта сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга масалалар муҳокама қилинаётганда зеҳниятимизда мудом яшаб келаётган «тайсаллаш»ни енгиб ўтишимиз зарур бўлади.

Жумладан, мамлакат ичида ҳатто шахснинг тарихда туганган ўрни каби масалани муҳокама қилаётганда ҳам ҳануз эскирган ёндашувлар («андиша») пайдо бўлмоқда. Бу эса тарихимиздаги қандайдир муҳим воқеанинг ёки таниқли сиёсий етакчиларнинг ролини холисона баҳолашни ошқора бузиб талқин қилишдан, ундан ҳам ёмони, оддий хушомадгўйликдан ажратишга имкон бермайди.

Умуман олганда, аксар постсовет жамиятлари каби бизда ҳам тарих фани узоқ йиллар «қирмизи мафурчилар» ва уларнинг маҳаллий гунаҳкорлари диктати билан «йўлга» солиб келинди. Қўлдан ясалган «хонаки тарих»нинг мавжуд факт ўлароқ, фанга, жамиятга миллат ва миллий давлатчилик нуфузи ҳамда шаънига етказган маъ-

навий зарарини бугун биз кўриб турибмиз. Эҳтимол, шунинг учундир, бугун жамиятда «ҳақиқий ва чин тарихимиз»ни халққа кўрсатиш кераклиги ҳақидаги хитоблар баландроқ янграй бошлади. Айни «чақирик» бугунги ўтаётган кунларимизни ҳам бевосита ифодалай олади. Зотан, биз Ўзбекистоннинг янги тарихи яратилаётган чорраҳада турибмиз.

Тўғри, мен авваллари ҳам Президент Шавкат Мирзиёев фаолияти ҳақида ёзганман. Бироқ бу гал унинг қисқа вақтда мамлакатимиз ва минтақада кечаётган барча жараёнларга фавқулодда таъсир кўрсата олгани ҳамда Марказий Осиё, қолаверса, глобал геосиёсатдаги ролининг муҳим тарихий аҳамияти ҳақида гапирмоқчиман.

## ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ НУҚТАИ НАЗАРДАН ШАХСНИНГ РОЛИ

Шахснинг тарихдаги ролини тусломлаш кенг фанлараро тадқиққа оид иш. Негаки бу мавзу бир вақтнинг ўзида тарих, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик ва бошқа фанлар доирасида кўриб чиқилади.

Ўтмиш ёки ҳозирги тарихий бурилишларни ўрганиш, шунингдек, бу жараёнларда қудратли шахсларнинг ролини ҳисобга олсак, кўпчилик «агар шундай бўлса-чи...» дея фикрлашни ёқтиради. Баҳслашмайман, айни мушоҳада тарзи ўта қизиқарли жараён. «Шахснинг тарихдаги роли» қадимдан кўпчиликни, жумладан, катта ижтимоий-сиёсий таълимотларга асос солган буюк зотларни ҳам қизиқтирган, хаёлларини «ўғирлаган». Шу ҳавасмандлик «меваси» улар ҳатто бир қатор таълимотларни ишлаб чиққанлар, турли тарихий жараёнларда қонунийлик ва тасодифийлик каби фалсафий категориялар ўртасидаги муносабатлар ҳақида баҳслашганлар. Бу яна айнан шахснинг роли масаласи билан боғлиқ.

Чунончи, XVII асрда яшаб ўтган буюк француз олими ва файласуфи Блез Паскаль ўзининг «Фикрлар» (Blaise Pascal, «Pensées», 1670) номи асарида «Клеопатранинг бурни» ҳақидаги тарихий парадоксни келтиради: «Клеопатранинг бурни бироз қисқароқ бўлганда эди, ер юзи бошқача бўларди».

Мажозий маънода айтганда, агар Миср маликасининг бурни айтмайлик, сал қийшқроқ бўлганда, Рим

саркардаси Антоний унга қизиқмаган, алақибат, Октавианга қарши жангда ютқазмаган бўларди. Яъни, агар Клеопатра каби нуфузли шахс бўлмаганида, Марк Антоний ва Юлий Цезарь бошқа сиёсий қарорлар қабул қилишлари ва шунда Рим империясидаги буюк фуқаролар уруши бошқача яқунланиши ёки умуман бошланмаслиги мумкин эди. Энг муҳими, Рим тарихи бутунлай ўзга ўзанда ривожланиши мумкин эди.

Бу тарихий сюжет ўта истеҳзоли бўлиши билан бирга, шахснинг мо- зийдаги ўрни борасидаги қарашларга арзирли мисол бўла олади. Ўйлайманки, кўҳна ўтмиш ғаладони титкиланса, айни мавзуда бундан бошқа ҳам кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Гарчи айни паллада баъзиларнинг икки суймаса-да, мулоҳазаларимни илмий бир объект сифатида Россия тарихидан мисол билан изоҳламоқчиман. Пётр I ўз мамлаката тараққиётида улкан бурилиш ясаганига, уни феодал давлатдан қудратли империяга айлантирганига урғу берадилар. Пётр I илғор ғоялар билан йўғрилган ислохотларни амалга оширди ва мамлакат ривожига тўсиқ бўлаётган эски анъаналарни бузди. Бу эса Россия учун мисли кўрилмаган даражада юксалиш имконини берди ҳамда ўша пайтдаги Фарбий Европанинг илғор давлатларидан қолоқликни сезиларли даражада камайтирди. Агар Пётрнинг ўрнида ғайрати сустроқ бир ҳўқмдор бўлганда, шубҳасиз, Россиядаги ислохотлар даври узоқ вақтга қолдирилиши ва бугун буткул ўзгача қиёфадаги Россияни кўриб турган бўлардиқ.

Ва яна бир мисол: Туркия тарихида турк давлатчилиги ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган паллада тарих майдонига чиққан Мустафо Камол Отатуркнинг беқийс ўрнини бугун ҳеч ким ҳам инкор эта олмайди. 1919 йилнинг май ойида мамлакатни босиб олган бошқинчи кўшинларга қарши сафарбарлик эълон қилган Мустафо Камол турк халқининг мустақиллик ҳаракатига бошчилик қилди. Кейин замонавий турк давлати асосчиси сифатида Усмонли империяси харобалари узра янги республика яратди. Шунингдек, турк жамиятининг бир неча ўн йилликлар давомида тараққиёт сари жадал ҳаракатланишини таъминлаган йирик ислохотларни бошлаб берди.





# ШАХСНИНГ ТАРИХДАГИ РОЛИ

## ёхуд ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ФЕНОМЕНИ

### ва унинг ЎЗБЕКИСТОН ҳамда МАРКАЗИЙ ОСИЁда

#### КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

&lt;&lt;&lt; 3

Мисолларда аниқ кўриб турганимиздек, бизнинг давримизда ҳам биргина сиёсий етакчи, яъни Шавкат Мирзиёев улкан ҳудуддаги геоиқтисодий ландшафтни ўзгартиришга қандай кучли таъсир кўрсата олиши мумкинлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон раҳбари сиёсий курсининг ўта ижобий таъсирини инобатга олиб, уни «Шавкат Мирзиёев феномени» дея атай бошладилар. Ва бу янгича сиёсий сифатлов «Янги Ўзбекистон» атамаси билан бир қаторда, нафақат минтақа, балки халқаро сиёсат майдонларида ҳам баралла янграй бошлади. Хусусан, айти атамаси сиёсатчиларнинг Афғонистондаги воқеалар атрофидаги мунозараларида ҳам кенг қўлланила бошлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Президентининг узоқни кўзлаган сиёсати Афғонистон ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб, унинг Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи кўприк сифатидаги тарихий ролини барчага эслатди.

Этиборлиси, Шавкат Мирзиёевнинг янги ташаббусларидан таъсирланган Покистон ҳам Трансафғон транспорт йўлига орқали минтақамиз билан ҳамкорлик истиқболларини кўриб, Марказий Осиё билан фаол алоқаларни йўлга қўя бошлади.

#### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БУГУНГИ ВОКЕЛИК ВА УНИНГ РИВОЖИДА ПРЕЗИДЕНТ ТАЪСИРИ

Ўз кузатишларим ва ҳисоб-китобларимга асосланиб, Ўзбекистон мустақил тараққиётининг бу қисқа даврини уч босқичга бўлишни истардим: 1991-2000 йиллар; 2000-2016 йиллар; 2016-2030 йиллар.

#### Биринчи босқич 1991-2000 йилларни қамраб олади

СССР парчаланиб кетгач, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига давом этаётган геосиёсий воқеликни англаб етишлари учун маълум вақт керак бўлди. Суверенитет ва хавфсизликни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмаган чоралар кўриши зарур эди. Биринчи навбатда, чегараларни белгилаш; янги валютани жорий этиш; давлат бошқаруvinинг бутун тизимини қайта ташкил қилиш; ўз армияси ва куч ишлатар тузилмаларини яратиш; иқтисодий ривожланишнинг янги моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш; гиперинфляцияни ва СССР режали иқтисодиёти инқирозининг бошқа салбий оқибатларини бартараф қилиш (чунки яго-

на Совет иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги барча занжирлари узилган эди) каби муҳим масалалар билан шуғулланиш керак эди.

Шу боис орта қараб, шуни айтишим мумкинки, жамиятда жадал ислохотларга бўлган талаб юқори эканига қарамай, Сингапур ёки Жанубий Корея каби кескин ўсишни тайёргарликсиз олиб бориш ва амалга оширишнинг асло иложи йўқ эди. Бунинг учун «Осиё йўлбарслари» ва Марказий Осиёнинг собиқ шўро республикалари бутунлай ўзгача эканини англаб етиш керак. Менимча, 1990 йиллар бошларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос моделини ишлаб чиққан Ўзбекистон ўз мустақил йўлини анча яхши бошлагандек эди. Кўзга кўриниб турган омилларга кўра, мамлакатимизнинг жадал ривожланиш имкониятлари Қозғоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон, жумладан, фуқаролар уруши алаңга олган Тожикистондан анча яхшироқ эди. Шу боис Ўзбекистон мустақил тараққиётининг дастлабки ўн йиллини минтақадаги энг яхши натижа билан яқунлади.

Эсимда, ўшанда бизга нафақат кўшни давлатлар ҳавас билан қарашган, балки Россия раҳбарлари ҳам тараққиётнинг ўтиш босқичида Ўзбекистон муваффақиятини мисол қилиб кўрсатишган эди.

#### Иккинчи босқичга 2000-2016 йиллар киради

Мутахассислар Ўзбекистон тараққиётининг бу даврини сиёсий ва иқтисодий турғунлик даври сифатида тавсифлайди. Нима учун шундай бўлди? Ахир аввалги босқичда белгилаб олинган тараққиёт йўли яхшироқ натижаларга умид қилишга асос берар эди-ку? Назаримда, бу жуда оғир ва ўта оғриқли савол, унга битта мақола доирасида жавоб бериш мушкул.

Умуман олганда, фикримча, бу саволга бирёқлама жавоб беришнинг ҳам имкони йўқ. Чунки ҳаётда, кенг маънода ва мавзу доирасида айтадиган бўлсак, бутун бошли мамлакат ҳаёти ё тара-

ҳида ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Ҳар нарсанинг объектив ва субъектив сабаблари ва шарт-шароитлари бўлади.

2000 йиллар бошида кўпчилик халқимизнинг бағоят меҳнатсеварлиги ва ўзига хос тадбиркорлик қобилиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ўз тараққиётининг минтақадаги кўшнларини анча орта қолдириб, жадал сурьатлар билан олға боришини кутган эди.

Лекин бутун дунё

ларини киритди. Бунинг фониди дастлаб Ўзбекистонга катта иштиёқ билан келган хорижий инвесторлар ўз бизнесларини кўшни давлатларга кўчира бошладилар. Эсимда, 2000 йиллар ўрталарида юқори мартабали қозғоғистонлик кадрдонларимдан бири Ўзбекистон ўз ислохотларини секинлатиб, Қозғоғистонга кўмаклашгани, унга ислохотларни жадаллаштириб, минтақадаги энг қудратли иқтисодиётга айланиши учун имкон бергани учун «миннатдорлик» билдирган эди.

Начора, факт фактликча қолади: бундай шароитда ўзбекистонликлар Хитой, Малайзия ва ҳатто кўшни Қозғоғистондаги муваффақиятларни фақат томоша қилишлари ва олқишлашлари мумкин эди. Бугун кўпчилик сиёсатчи ва иқтисодчиларнинг «Ўзбекистон 2000 йилларда ислохотлар жараёнини тўхтатиш билан ўта муҳим қисқа даврни кўлдан бой берди» деган тахлилий қарорларини тасдиқлашдан ўзга имкон тополмайман.

Сўзларим асосиз бўлмалиги учун чет эл тадқиқотидан бир далил келтираман. 2004 йил 11 мартда қароргоҳи Брюсселда жойлашган Халқаро Инқироз Гурухи (International Crisis Group) «Ўзбекистондаги ислохотлар омадсизлиги: халқаро ҳамжамият учун кейинги қадамлар» номли тахлилий ҳисоботини эълон қилди. Унда «ХВФ маълумотларига кўра, 2003 йилда мамлакат иқтисодиёти атиги 0,3 фоизга ўсган, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот эса 1998 йилдан буён ҳар йили пасайиб, 2003 йилда атиги 350 долларни ташкил этгани қайд этилган. Чет эл сармояси кам, мамлакат хомашё, асосан олтин ва пахта экспорти эвазига кун кечирмоқда» дейилган эди.

Хўжжатда, шунингдек, Ўзбекистон оғир иқтисодий турғунликни бошидан кечиршида давом этаётгани, ишсизлик кўпаяётгани ва турмуш даражаси пасаяётгани, аҳолининг 80 фоизи қашшоқликда яшаётгани таъкидланган. Хуллас, хорижий экспертлар Ўзбекистон ўзи учун муҳим бўлган ислохотлардан жуда орта қолаётгани ҳақида ўша кезлардаёқ бонг ура бошлаган. Шунингдек, улар «Иқтисодий инқироздан чиқишнинг ягона йўли ўзоқ

муддатли таркибий ислохотларни амалга оширишдир», дея таъкидлашган.

Ўша кезларда Ўзбекистонда бундай тавсияларга қўлоқ соладиганларни топиш амримаҳол эди, албатта. Ваҳоланки, ўз қобилигига ўралиб олиш, мамлакатни ҳар қандай «таъсирлар»дан ҳимоялаш ёки ҳатто бу ҳақда ўйлаш ҳам бугунги глобаллашув даврида бемаъниликдир.

Тўғриси айтсам, бугун мен атиги 7 йил аввал ҳам мавжуд бўлган ўша оғир вазиятни эслашни истамайман: ёпиқ жамиятдаги бахтсиз инсонларнинг маъносиз қиёфаси, мамлакатнинг ташқи дунёдан узилиб қолиши, кўшни давлатлар билан тараққиланган ва қатъий виза режими, савдо тўсиқлари ва кўшни давлатлар билан чегаралардаги миналар туфайли тинч аҳолининг ҳалок бўлиши, нариги томондаги қариндошларини кўриш учун оддий имконият ҳам яратилмагани... Қай бирини айтасиз?

Мамлакат ичида эса иқтисодий турғунлик, тотал цензура, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳукмронлиги, диний соҳадаги қатъий тақиқлар, тадбиркорларга зуғум, конвертация йўқлиги, бутун жамиятнинг оғизга қопқоқ уришга бўлган Дон Кихотча ҳаракатлар ва ҳоказолар... Буларнинг барчаси йўл қўйилган бошқа ҳалолар қаторида Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий обрўсига жиддий путур етказди.

Менимча, бошқа ҳеч бир жиҳат деворлар ва тўсиқлар барпо қилишчилик ўша давр табиати-характерини аниқ очиб беролмас керак. Нафақат марказий давлат органлари ва ҳудудий маъмурий идоралар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки халқ билан, халқ орасида ишлаши керак бўлган маҳаллий органлар ҳам биноларини халқдан ажратиб, темир панжаралар билан ўраб олди. Ҳатто Тошкентнинг марказий кўчалари ҳам темир-бетон панжаралар билан тўсиб қўйилди. Шунингдек, туманлар ва вилоятлар ўртасидаги чегараларда кўплаб назорат пунктлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги постлари ва бошқа хизматлар барпо этилди. Буни ҳақли маънода, давлатнинг жамиятдан шубҳаланиши, уни ўзига нисбатан хавф ўрнида кўриши, дея баҳолаш мумкин эди.

Тасаввур қила оласизми, сурхондарёлик ёки самарқандлик оддий чўпон ё деҳқон Тошкентга киргунча қанча текширувлардан ўтиши керак эди?! Буларнинг барчасини тасвирлашга сўз ожиз. Буни – ўз халқини таққирлашдан бошқа яна нима, деб аташ мумкин! 5 >>>

# М

Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар сафига ўтиши учун мустақам пойдевор айнан бугун яратилмоқда. Президент 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажминини икки бараварга ошириб, 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажминини 4 минг долларга, умумий экспорт ҳажминини икки бараварга ошириб, 45 миллиард долларга етказиш, 250 миллиард долларлик сармоя жалб этиш вазифасини қўйди.



<<< 4

Шуни айтмоқчиманки, сиёсатдан нафақат норози бўлганлар, ҳатто иккиланганлар ҳам унчалик шушланмасди. Уларни таъқиб қилишарди (қора рўйхатлар шу кайфият меваси бўлса керак) ёки тизимдан сиқиб чиқаришарди. Қанчадан-қанча ғайратли, истеъдодли, интеллектуал салоҳияти юқори инсонлар ҳукмрон тузумнинг бир чеккасида қолиб, ҳатто ўз юрти тараққиётига хизмат қилиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлган эдилар.

Классик сиёсий иқтисодда базис ва усткурма каби категорияларнинг ўзаро муносабати ва таъсири тўғрисидаги таълимот мавжуд. Унга кўра, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида мамлакатлар бир вақтнинг ўзида ўз сиёсий тизимини ўзгартириб, уни демократлаштириши ва халқ олдидаги ҳисобдорлигини оширишлари шарт. Жамият билан конструктив мулоқотгина сиёсий етакчиға келажакдаги ривожланиш йўналишларини тўғри белгилаш имконини беради. Қолаверса, бунда етакчининг инновацион ғояларини ўзлаштирган омманинг ўзи ислоҳотчиға айланади. Бугун ўтмишга қараб, шуни таъкидлаш керакки, ўша даврда Ўзбекистонда буларнинг ҳеч бири амалга ошмаган эди.

Шахсан ўзим ўзбек муаллифларининг ўша даврдаги мамлакатимиз тараққиётини атрофчиға таҳлил қилган бирон-бир материални учратмадим. Бироқ, менга яна шу нарса ҳам аёнки, илгари бундай форматда давлат ва жамиятда кечаётган жараёнларни таҳлилға тортишининг имкони ҳам йўқ эди...

**Учинчи босқич 2016 йилдан 2030 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади**

2016 йилдан буён ўтган қисқа давр Ўзбекистон учун кўплаб тарихий воқеаларға бой бўлди. Етти йил ичида мамлакатда олдинги чорак асрдагиға қараганда кўпроқ ишлар қилинди десам, асло муболаға бўлмайди. Баъзан менга шундай туюладики, мамлакатимизда сўнгги йилларда рўй берган ўзгаришлар бизни шу қадар эсанкиратиб қўйдики, ҳаққимиз биз бошдан кечираётган давр моҳиятини, бурилиш нуқтасини англаб етишға улгурмай қоляпти!

Инглиз публицисти ва дипломати Генри Болингброк (1678-1751) «Тарих бизни мисоллар орқали ўргатувчи фалсафадир», дея таъкидлаган. Ушбу ҳикматни яхшироқ англаш учун, келинг, 2016 йил арафасида сайёрамизни тарк этган оддий Ўзбекистон фуқароси шу кунларда бу ерга қайтганини тасаввур қилиб кўрайлик.

Назаримда, у қисқа вақт ичида мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришларни кўриб, ҳайратда қолиши аниқ.

Янги Президент халқнинг ҳокимиятға бўлган ишончини тиклаш масаласини ўзининг энг асосий вазифаларидан бири этиб белгилади. Чунки ривожланмаган жамият билан кучли давлат қуриб бўлмайди. Халқнинг иштирокисиз амалға оширилган ҳар қандай ислоҳот ҳалокатға маҳкум. Одамларнинг дунёқарашини ўзгартирмай туриб, жамиятни янгилаб бўлмаслиги ҳам кундек равшан.

Назаримда, Шавкат Миромоновичнинг фикр ва сўз эркинлигиға йўл очиб, бу ишни пастдан, оддий халқ орасидан бошлашға қарор қилганининг асосий сабаби ҳам айнан шу эди. Бундан ташқари, Президент давлат ва халқ ўртасидаги деярли йўқолган алоқани тиклаш мақсадида мансабдор шахсларни кабинетларини тарк этиб, халқ олдиға боришға мажбур қилган. Халқ қабулхоналари тизимини ўрнатди. Шунингдек, ўша машъум металл тўсиқлар ва темир-бетон деворларни зудлик билан олиб ташлаш, вилоят ва туманлар ўртасидаги кўплаб назорат-ўтказиш пунктларини тугатиш бўйича кўрсатмалар бериб, аввалги даврининг сиёсий «қадрият»ға айланган атрибутларини парчалади. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор.

Шавкат Мирзиёев илк қадамлариданоқ ўз сиёсатининг очиқлиги ва халқчиллигини намоён этиб, энг аввало, мамлакат ичидаги репрессив тузумни тугатди.

Давлат раҳбарининг ўта мушкул, бир пайлар ҳатто ҳаёт-мамонт таъмоили даражасиға кўтарилган юз йиллардан буён давом этиб келаётган муаммоларни ҳам тез ва осон ҳал этганиға кўп бор гувоҳ бўлиб, ҳайратда қолганман. Мен шу ўринда пахта яккаҳокимлиги тугатилганини, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги пахта қуллиги ва болаларнинг мажбурий меҳнатига барҳам берилганини назарда тутяпман.

Қолаверса, тўқимачилик сано-

атининг жадал ривожланиши туфайли Ўзбекистон 7 йилдан сўнг пахта хомашёсини экспорт қилувчи давлатдан том маънодаги пахтани импорт қилувчи давлатға айланади, деб ким ҳам ўйлабди? Кўрииб турибдики, бундай таъсирчан ўзгаришлар янги раҳбарнинг мамлакатни янгилашдаги беқиёс ролидан дарак беради.

Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев валютанинг эркин конвертациясини йўлга қўйиб, дарҳол пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатини либераллаштиришға эришди. Ташқи савдо ва божхона тарифлари режими ҳам юмшатилди. Бугун ишбилармонлар фаолиятининг тез суръатларда ортиб бораётгани, сармадорларнинг мамлакатимизға қайтаётгани бу қарорлар нақадар тўғри эканини кўрсатмоқда.

Фактларни изоҳлашға ҳожат йўқ. HSBC глобал банки (Жаҳон 2050 йил ҳисоботи) маълумотларига кўра, Ўзбекистон яқин ўн йилликларда дунёнинг иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатларидан бири деб топилди. «Очиқ эшиклар» сиёсати мамлакатға 2019 йилдан бошлаб дунёнинг энг тез ривожланаётган ва жозибадор сайёҳлик йўналишлари бешлигидан мустаҳкам ўрин олиш имконини берди.

Ҳозирда Ўзбекистон дунёнинг қолақ мамлакатлари топфасидан (илгари аҳоли жон бошиға ЯИМ даражаси 350-400 долларни ташкил этган) ўртача даромадли мамлакатлар (ҳозир 2250 доллар) қаторига ўтишға муваффақ бўлди. Эндиги мақсад 2030 йилда ўртачадан юқори даромадли мамлакатлар даражасиға эришишдир.

Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг бошидаёқ 2025 йилға бориб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини икки баробарға ошириш, унинг ҳажмини 58 миллиард доллардан 100 миллиард долларға етказиш (бу кўрсаткич ҳозирнинг ўзидаёқ 82 миллиард долларлик доводдан ошди), тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллик ҳажмини 10 миллиард долларға (бу кўрсаткичға эришилди), экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларға етказиш (ўтган йилги экспорт ҳажми 25 млрд. долларға етди) вазифасини қўйди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш борасидаги муваффақиятлар 2021 йил апрель ойида Ўзбекистонни Европа Иттифоқиға 6200 турдаги товарларни божсиз экспорт қилиш имконини берувчи GSP+ имтиёзлар тизимига қўшган Европа Иттифоқида ҳам қайд этилди. Натижада биргина 2023 йил бошидан буён ЕИ билан савдо ҳажми 70 фоизға ошди.

**ШУ ТАРИҚА ЕТТИ ЙИЛ ИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН ЙЎҚОТГАН МАВҚЕИНИ ТИКЛАБ ОЛДИ, МИНТАҚАДА АСОСИЙ ФИГУРАГА АЙЛАНДИ. ЯҚИН КЕЛАЖАКДАГИ ВАЗИФА – ЎЗБЕКИСТОННИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ МОЛИЯВИЙ МАРКАЗИ ВА САМАРАЛИ БИЗНЕС ХАБИГА АЙЛАНТИРИШДАН ИБОРАТ. БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МИНТАҚАВИЙ СТРАТЕГИЯСИ САМАРАСИДИР.**

Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар сафиға ўтиши учун мустаҳкам пойдевор айнан бугун яратилмоқда. Президент 2030 йилға қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки бараварға ошириб, 160 миллиард долларға, аҳоли жон бошиға ялпи ички маҳсулот ҳажмини 4 минг долларға, умумий экспорт ҳажмини икки баробарға ошириб, 45 миллиард долларға етказиш, 250 миллиард долларлик сармоя жалб этиш вазифасини қўйди. Ўзбекистон 2030 йилдан ривож-

ланишнинг тўртинчи босқичиға қадар қўйиш мумкин. Бироқ, шубҳасиз, 2030 йилдан кейин амалға оширилиши кўзда тутилаётган ислоҳотлар ўзига хос хусусиятларға эға бўлади. Аввалли ва ҳозирги босқичларда иқтисодий ўсишни табиий ресурслардан фойдаланиш, инвестицияларни жалб қилиш ва меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлаш ҳисобига таъминлаш мумкин эди. Мамлакатнинг кейинги тараққиёти учун технологик жиҳатдан юксалиш сув ва ҳаводек зарур. Масалан, бугунги давр етакчи мамлакатларнинг «тўртинчи саноат инқилоби», шунингдек, «ақлли ёки инновацион иқтисодиёт»ға ўтиши билан тавсифланяпти. Хусусан, ахборот технологияларини (IT) маълумотлар технологиясига (Data technology, DT) босқичма-босқич ўтиш кузатилмоқда.

Бироқ технологик жиҳатдан юксалиш, биринчи навбатда, тараққиётнинг юқори технологияли даражасиға ўтишининг зарур шарти ўлароқ, инсон капитали сифатини оширишни талаб қилади. Акс ҳолда, мамлакат яна 20-30 йил давомида ўртача ривожланиш даражасида қолиб кетиши мумкин.

Шу боис Шавкат Мирзиёев мамлакатда инсон капиталини оширишға хизмат қиладиган соҳаларда кенг қўламли ислоҳотларни бошлагани бежиз эмас. Хусусан, Президент 2020 йилнинг сентябрь ойида Уқитувчи ва мураббийлар кўниға бағишланган маърузасида мамлакатимиз олдиға «Учинчи Ренессанс даври пойдеворини яратиш ва уни миллий ғоя сифатида қўришни стратегик вазифа» этиб белгилади (маълумки, Марказий Осиеда муслмон ренессанс деб ҳам аталадиган Биринчи Ренессанс даври IX-XII асрларда бўлиб ўтган, Иккинчи Ренессанс даври эса темирйиллар салтанатида санъат ва фаннинг гуллаб-яшнаган даврида бошланиб, XIV-XVI асрларда кузатилган).

Мақоланинг ушбу қисмини шундай хулоса билан якунламоқчиман: Учинчи Ренессанс даври бўсағасида турган Ўзбекистон яна Марказий Осиеда минтақавий тараққиёт марказиға айланиши зарур. Бунинг учун мактабчиға таълим, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим тизимини энг юқори сифат даражасиға кўтариш, янги Ренессанс даври шаклланишида илмий муассасаларни «ўзаро боғлиқ бўлган тўртта бўғин» га айлантириш мақсадида уларни модернизация қилиш керак, деган фикрни илгари сурди давлатимиз раҳбари.

**СЎНГСЎЗ ЎРНИДА**

Мақоланинг якуний қисмини мен беихтиёр Шавкат Мирзиёев Президент сифатидаги, илк учрашувларидан бирида Ўзбекистон қандай аянчли аҳволға тушиб қолганини таъкидлаб, реал статистик маълумотларни келтиргани ҳақидаги хотиралардан бошламоқчи эдим. Давлатимиз раҳбари мамлакат тараққиётининг истиқболлари ҳақидаги қарашларини баён этар экан, аввал тўхтатилган барча тизимли ислоҳотларни зудлик билан амалға ошириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар қилишға даъват этди. Янги Президент кўзлари ёниб, бизни «Ўзбекистон иқтисодий қолақлик зонасидан чиқиб кетишиға умид қилишининг ягона йўли» шу эканиға ишонтирди. Акс ҳолда, Ўзбекистон янада ривожланган давлатлар учун қашшоқ ва қолақ хомашё базаси мавқеиға чидаб яшашға мажбур бўлиши ҳақида огоҳлантирди.

Тўғрисиини айтсам, Ўзбекистоннинг янги Президентини диққат билан тинглар эканман, ўша кезлар вазият мамлакат учун қанчалик жиддий ва ҳалокатли эканини яхши англамагандим. Орадан 7 йил ўтди. Унинг башоратлари, фикр-мулоҳазалари қанчалик тўғри эканини тарих кўрсатиб берди. Амалға оширилган ишлар натижасида мамлакат иқтисодий бўҳрондан узоқлашди.

Бундан 7 йил аввал Ўзбекистон барча қўшнилари билан амалда эълон қилинмаган савдо-иқтисодий, чегаравий, божхона ва ахборот уруши ҳолатида бўлганини ҳам унутмайлик. Агар Президентнинг минтақадаги вазиятни соғломлаштириш ва яхшилаш борасидаги фаол ҳаракатлари бўлмаганида, минтақада қандай можаролар авж олиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди. Шу нуқтаи назардан, ишонч билан айта оламанки, ўтган вақт мобайнида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиенинг келажак тақдири узил-кесил ҳал бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг тарихий ўрни айнан шу масалада амалий ифодасини топди. Қолаверса, хозир халқаро

сиёсатда бу жараён «Шавкат Мирзиёев феномени» сифатида ҳам тан олинди.

Ҳа, 2016 йилда Ўзбекистоннинг янги раҳбари ва унинг жамоаси ривожланишнинг зарур устувор йўналишларини тўғри белгилаб, самарали старт олишға муваффақ бўлди. Бироқ ҳозирда Ўзбекистоннинг ўз мақсадларидан адашиб кетмаслиги ниҳоятда муҳим масаладир.

Ишонинг, бундай хавф доимо мавжуд бўлган ва бўлади. Айниқса, бу масала дунёда янги қўтбланиш вужудға келаётган, бозорлар, ресурслар учун кураш кучайган, кучли давлатларнинг заиф мамлакатлар устидан ҳукмронлик қилиш истаги пайдо бўлган, Россия ва Украина ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларға ўхшаш ўта шафқатсиз, яъни ҳарбий қарама-қаршилик ёқасидаги манфаатлар ҳимояси намоён бўлаётган бир паллада жуда долзарбдир.

Шу боис 9 июль куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари Президент сайловида Ўзбекистон халқи ўзи бошлаган ислоҳотларни охириға етказиш учун Шавкат Мирзиёевға яна бир бор ишонч билдиргани бежиз эмас.

Хулоса ўрнида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон ўз уйимиз, барчамизнинг Ватанимиз. Ундан ўзға Ватан йўқ! Демак, Шавкат Мирзиёев таклиф қилганидек, Янги Ўзбекистонимизни ҳаммамиз биргаликда қуришимиз керак!

Бу мақсадни амалға ошириш учун аҳоли фаровонлигини таъминлаш, камбағалликни бартараф этиш, маъмурий ва техник қолақликдан қутулиш, шунингдек, сиёсий тизимимизни янада шифофлаштиришға ва демократлаштиришға интилишимиз зарур. Дарвоқе, Конституциянинг яқинда қабул қилинган янги таҳрири ҳам ана шу муаммони ҳал этишға

қаратилган. Менимча, жамият ижтимоий-сиёсий жиҳатдан лоқайд бўлмастан, янги ислоҳотларға нисбатан ўз позициясини аниқ белгилаб олсагина, бу муаммоларни самарали ҳал этиш мумкин. Зеро, фалсафа классиклари таъкидлаганидек, «ғоялар кенг омма томонидан ўзлаштирилсагина, амалға ошади».


Бу – бутун халқ давлатимиз раҳбари атрофида жипслашиши ва бириштириши зарурлигини англатади. Шундагина умумий саъй-ҳаракатлар билан иқтисодий юксалиш ва ижтимоий тараққиётни биргаликда таъминлай оламиз.

Бугун Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни тараққиёт йўлидан дадил олиб бормоқда. Шу билан бирга, Марказий Осиедаги қўшнилари умумий фаровонлик йўлида бириштиришға ҳаракат қилмоқда. Зеро, у минтақа барча халқларнинг умумий уйи эканини чуқур англайди. Марказий Осие келажак ва юксалиши учун ҳамжиҳатлик зарур.


Энди ўзининг айтинг, буюк жадидчи боболаримиз бундан 100 йил аввал орзу қилган ниятлари айнан шу эмасмиди, шу эманлидики, миллатпарвар ва ватанпарвар ойдинларимизни сиёсий саҳнаға олиб чиққан улғў ҒОЯ?!?

Бугун ўша муборак орзу яна кун тартибига чиқарилди. Муҳими, эндиликда бу ўлканинг уни амалға оширишға жасорати етадиган, бунинг жон-жонидан истайдиган, керак бўлса, келлигини тикадиган ёвқур ўғлонлари бор. Биз уни кўриб турибмиз!

**ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВ, СИЁСАТШУНОС**



*Ўтган вақт мобайнида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиенинг келажак тақдири узил-кесил ҳал бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг тарихий ўрни айнан шу масалада амалий ифодасини топди. Қолаверса, хозир халқаро сиёсатда бу жараён «Шавкат Мирзиёев феномени» сифатида ҳам тан олинди.*



# «Анор» – 5 ёшда

**ОҚШОМНИНГ ФАЙЗЛИ ДАМЛАРИДА БЎСТОНЛИҚ ТОҒЛАРИДАГИ «АНОР» БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҶИГА КИРИБ БОРДИК. ИККИ ТОМОНДАГИ АЖОЙИБ МАНЗАРА ОРАЛАБ КЕТГАН АЖАБТУВУР ЙЎЛАКДАН ЧИҚИБ БОРАД ЭКАНМИЗ, ГУРУҲ-ГУРУҲ БЎЛИБ БИРЛАШГАН БОЛАЛАР ҲАҚИДА ТАНЛАГАН ГЎЗАЛ ДАВЛАТЛАР ВА ОРОЛЛАР ҲАҚИДА ЎША ТИЛДА САЛОМЛАШИБ, ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШАР ЭДИ.**

Испаниянинг жозибали рақслари, Миср маликаларининг эртактонанд тахти, Гаити оролининг ажиб манзараси, Ҳиндистоннинг қувноқ инсонлари, Япония, Россия, Грузия, Гренландия табиати, ҳаётини ёдга солувчи либослар, байроқлар ва кичик намоиш бурчаги... барчаси бир-биридан дилтортар эди. Болажонлар буларни иштиёқ билан тайёрлашгани, ўз навбатида, билимларини ҳам янада оширишгани сезилиб турарди.

Оромгоҳда қайноқ ҳаёт давом этар, бир тарафда йигитлар волейбол ўйнаган, бошқа бир гуруҳ шахмат-шашка билан машғул, кимдир қоғозга тоғларнинг гўзал манзарасини муҳрлаган, яна бир гуруҳ қизлар жамоаси завқланиб суҳбатлашган кўйи бисердан буюмлар ясамоқда...  
– Оромгоҳ сизларга ёқдими? – сўраймиз болажонлардан.  
– Жудаям ёқди, – жавоб беради дўсти билан бадминтон ўйнаётган бо-



лакай. – Ўтган йили, албатта, яна шу ерга келаман, деб ният қилгандим. Мана, яна ёзги таътилда укам билан «Анор»дамыз. Янги дўстлар орттирдим. Афсус, бугун мавсум якунланади. Эртага уйга қайтамыз. Албатта, ота-онамиз бағрида бўлиш яхши, лекин оромгоҳни, дўстларимни, қизиқарли ўйинлар ва мусобақаларни яна кўмсашимиз аниқ.  
12 ёшли Сардорнинг гапларида жон бор эди, албатта. Кириб келишингиз билан аjoyиб манзара, гўзаллик – буларни соғинмасликнинг асло иложи йўқ.  
– Тарбиячилар жуда меҳрибон. Бу ерда вақтни мароқли ўтказдик. Тўғраклари қизиқарли. Менга, айниқса, хамирдан турли нарсалар ясаш, бисер машғулоти жуда ёқди. Ошпазларнинг ҳам қўли жуда ширин, овқатлари мазали, – дейди бизга Гаити ҳақида муфассал ҳикоя қилиб берган жажжи Шахло.  
Болажонлар, шунингдек, кутубхонадаги қизиқарли китоблар, ўқиган афсона ва эртаклари, ёд олган шеърлари, ҳар оқшом ўтказиладиган турли мусобақалар ҳақида ҳаяжон билан гапириб беришди. Уларнинг қувончли таассуротларини тинглар эканмиз, биз ҳам болаликнинг бахтиёр кунларига бир дам қайтгандек бўлдик.  
– Бугун бизнинг масканда катта тантана, – дейди оромгоҳ спорт мурабийси Гулмира Пўлатова. – Оромгоҳимиз ташкил топганига 5 йил бўлди. Бу давр мобайнида 10 минг нафарга яқин болажонлар соғломлаштирилди. Ҳар йили, ҳар йил мавсумда уларни қизиқтириш мақсадида турли тўғрақлар, дастурлар тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир мавсум давомида бир ярим минг нафардан ортқ болажон дам олади. Оромгоҳда бо-

ламар нафақат дам олишади, балки жисмоний чинқишади. Бунинг учун сузиш, югуриш, волейбол, баскетбол, гимнастика бўйича танловлар, «Қувноқ стартлар» мусобақаларини ўтказамиз. Болажоннинг қанчалар қизиқиши билан иштирок этишини бир кўрсангиз эди! Шунингдек, уларни касбга йўналтириш мақсадида турли соҳа вакилларини ҳам оромгоҳга таклиф этиб, маҳорат дарсларини ташкил этиб турамыз. Болажон ўзлари тайёрлаган ишлардан бошқача завқ олишади.

**Оромгоҳда қайноқ ҳаёт давом этар, бир тарафда йигитлар волейбол ўйнаган, бошқа бир гуруҳ шахмат-шашка билан машғул, кимдир қоғозга тоғларнинг гўзал манзарасини муҳрлаган, яна бир гуруҳ қизлар жамоаси завқланиб суҳбатлашган кўйи бисердан буюмлар ясамоқда...**

лардан бири бугун дўстлар давра-сида таваллуд кунини нишонламоқда экан. Шубҳа йўқки, бу лаҳзалар унинг ҳаётида унутилмас тотли хотиралар сифатида муҳрланажак.  
Шундан сўнг болажонлар, тарбиячилар ва меҳмонлар оромгоҳ марказидаги катта майдонга йиғилишди. Оромгоҳ раҳбари Улмас Мўминов дам олиш масканининг 5 йиллик тантанасига бағишланган тадбирни очиб берар экан, бугунги осуда кунлар, яратилган шарт-шароитлар учун

**Қорақалпоғистон Республикаси**

**Тўрткўл туманидаги «Оқ кубтар» болалар оромгоҳида Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Миллий ўрф-одатларни яхши биламизми?» мавзусида тадбир ўтказилди.**



## «Чимён»да навбатдаги мавсум

**«Аммофос – Максам» АЖ тасарруфидаги «Чимён» болалар соғломлаштириш оромгоҳида болаларни ёзги соғломлаштиришнинг навбатдаги мавсуми бошланди.**

Айни кунларда Бўстонлиқ тумани Чимён қишлоғида жойлашган оромгоҳда 201 нафар болажон мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Ушбу масканда нафақат жисмоний соғломлаштириш, балки маданий тадбирлар ўтказиш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган.  
Навбатдаги мавсум очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар болажонларга мароқли ҳордиқ чиқариб мактаб бағрига куч-қувватга тўлган ҳолда, олам-олам таассуротлар билан қайтишларини тилаб, уларга аталган совғаларини топширдилар.  
Тадбир болажонларнинг бадий чинқишлари билан янада кўтаринки тус олди.

**Шавкат ТОИРОВ,**  
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



**– Бугун бизнинг масканда катта тантана, – дейди оромгоҳ спорт мурабийси Гулмира Пўлатова. – Оромгоҳимиз ташкил топганига 5 йил бўлди. Бу давр мобайнида 10 минг нафарга яқин болажонлар соғломлаштирилди. Ҳар йили, ҳар йил мавсумда уларни қизиқтириш мақсадида турли тўғрақлар, дастурлар тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир мавсум давомида бир ярим минг нафардан ортқ болажон дам олади.**

ташриф буюрган меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари ва бошқалар кутлуғ сана билан оромгоҳ масъуллари ҳамда болажонларни табриқлаб, дил сўзларини баён этишди.  
Шундан сўнг анъанага мувофиқ гулхан ёқилиб, ҳамма бирга-галага ўйин-кулги оғушида жамулла бўлишди. Байрам болажонлар тайёрлаган куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар билан давом этди. Биз бундай шодон кунлар ҳаётида кўп бўлишини тилаган ҳолда улар билан хайрлашдик.

**Гулрухбегим ОДАШБОВА**  
«ISHONCH»

**ЁЗУВЧИЛАР БОЛАЛАР ҲУЗУРИДА**

Унда ўйил-қизлар гуруҳларга бўлиниб, ўз гуруҳлари шарафини билимлари асосида ҳимоя қилишди.  
Ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Алланазар Абдиев, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Марат Таумуратов, шоира Мунаввара Юсупова болажоннинг зуққолиги ва ҳозиржавоблигини баҳолаб боришди.  
Натижаларга кўра, Эллиққалъа туманидаги 47-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Абдужалил Етмишбоев бошчилик қилган «Жайхун» гуруҳи 3-, Тўрткўл туманидаги 63-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Айдемир Абдуллаев етакчилик қилган «Машъал» гуруҳи 2-ҳамда Нукус шаҳридаги 11-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Жансая Ортиқбоева бош бўлган «Хумо» гуруҳи 1-ўринга муносиб кўрилди.  
Уларга диплом ва совға тортиқ қилинди. Гуруҳлардаги бошқа ўқувчиларга ҳам Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий ёрлиғи ва китоблар тақдим этилди.  
Ҳакамлар ҳайъати раҳбари, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, ёзувчи Бекназар Ернарзоров болажон эришган ютуқлари билан табриқлаб, янгидан-янги муваффақиятлар тилади.  
Шу кунги Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Эллиққалъа туманидаги «Орол болалари» оромгоҳида ҳам бўлиб, болажоннинг билимларини синовдан ўтказишди.

**Фотима АБДУРАИМОВА**  
«ISHONCH»

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахририяти жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййидида онаси

**Холби Насриддин қизи САИДОВА**

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгаш раиси Фарҳоджон Раҳмонович Хананияева акиси

**Жўрабой Раҳмонович ХАНАПИЯЕВ**

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходимаси Захро Раҳимова отаси

**Файзулла ота СОДИҚОВ**

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.



Бухоро вилояти

# Қамров янада ортади

**Бухоро вилоятида жажжи ўғил-қизларимизнинг мароқли дам олишини таъминлаш учун айни чоғда 143 та стационар оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончалари фаолият юритмоқда. Мавсум давомида бу масканлар 18 минг 435 нафар ўқувчига хизмат кўрсатади.**

Шу йилнинг 1 июни сана-сида воҳамиз болалари учун оромгоҳлар ўз фаолиятини бошлади ва айни чоққача уларда 11000 нафардан зиёд бола дам олдириди.

Тинчлик-хотиржамлик ва хавфсизлик – дам олиш учун энг муҳим шартлар сирасига киради. Бунинг учун оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Жажжи дам олувчиларнинг саломатлигини сақлаш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳам масъулларнинг доимий эътибор марказида. Сифатли тиббий хизматни ташкил этиш ва санитария-гигиена талабларига риоя этилишини таъминлаш учун 143 нафар малакали тиббиёт ходимлари беририлган. Барча оромгоҳлар тиббиёт хоналари зарур дори-дармон воситалари, илон ва қорақурт захрига қарши зардоблар билан таъминланган, «Тез ёрдам» машиналарининг доимий навбатчилиги ташкил этилган.

Бундан ташқари, болаларни

овқатлантириш бўйича аутсорсинг хизмати орқали етказилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, яроқлилик мuddати, сақланиши қатъий назорат қилиб борилмоқда. Шунингдек, эҳтиёт чора сифатида оромгоҳларда фаолият юритаёт-

ва ҳужжатли фильмлар, мультфильм дисклари билан таъминланди. «Маънавий хоналари» болалар руҳиятига мос ҳолда жиҳозланиб, китобхоналик, компьютер саводхонлиги, спорт тўғрақлари ҳамда маданият, санъат бўйича қўшимча

**Бу йилги ёз мавсумида вилоятдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини камида 5 навбатда ташкил этилиши, «Кўёш нури» оромгоҳида қўшимча яна битта ётоқхона биноси ишга туширилиши, «Жўйзар» дам олиш маскани базасида оромгоҳ ташкил этилиши натижасида қувват 180 тага ошди ва 5 навбатда 900 нафар бола қўшимча равишда оромгоҳларга жалб этилмоқда. Бундай самарали ишлар натижаси ўлароқ 2022 йилда оромгоҳларга болалар қамрови 6500 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йил бу рақамлар 7260 тага етиши белгиланган.**

ган ҳар бир ходим чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Болажонларнинг таълим-тарбияси билан мавсум давомида оромгоҳларда 735 нафар малакали педагог ходим иш олиб боради ва улар тарбиячи, етакчи, тўғрақ раҳбари учун алоҳида ишлаб чиқилган дастур асосида махсус ўқувларда малака оширилди.

Шунингдек, маданий-маърифий тадбирларнинг сифати ва кўламини оширишга қаратилган ишлар ҳам талаб даражасида. Оромгоҳлар бадий

тўғрақлар ташкил этилди. Спорт йўриқчилари томонидан мусобақалар тизимли равишда ўтказиб келинмоқда.

Оромгоҳларга биринчи навбатда оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилалар фарзандлари, етим ва ногирон болалар қамраб олиниши бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда таксимот-режалар ишлаб чиқилган.

Мавсумни сифатли ташкил этиш мақсадида мутасадди бошқарма ва идораларнинг ходимларидан иборат тузилган

ишчи гуруҳи томонидан ҳар бир навбатда камида бир марта оромгоҳлар фаолиятини ўрганилиб, муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилатгани иш самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётир.

Бу йилги ёз мавсумида вилоятдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини камида 5 навбатда ташкил этилиши, «Кўёш нури» оромгоҳида қўшимча яна битта ётоқхона биноси ишга туширилиши, «Жўйзар» дам олиш маскани базасида оромгоҳ ташкил этилиши натижасида қувват 180 тага ошди ва 5 навбатда 900 нафар бола қўшимча равишда оромгоҳларга жалб этилмоқда. Бундай самарали ишлар натижаси ўлароқ, 2022 йилда оромгоҳларга болалар қамрови 6500 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йил бу рақамлар 7260 тага етиши белгиланган.

Бундан ташқари, «Жўйзар» дам олиш маскани базасида ташкил этилган оромгоҳда 250 нафар болани дам олдириш баробарида соғломлаштириш ҳам кўзда тутилган. Қувонарлиси, бу ерда болалар ота-оналари билан бирга дам олишлари учун имконият яратилган.

Айни чоғда вилоятимизда яна бир янги замонавий, 200 ўринли оромгоҳ қурилиши жадал давом этмоқда. 2024 йилда мазкур маскан фойдаланишга топширилиши ҳисобига қамров 1000 нафарга ошиши режалаштирилган.

**Адолат АКРАМОВА,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Фарғона вилояти

**Фарғона вилоятидаги «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 3-мавсум давом этмоқда.**

## «Кимёгар» болажонларнинг сеvimли маскани

Абдурахим Абдумуталов ўтган йили айнан шу ерда таътилни мароқли ўтказиб, янги дўстлар орттирган эди. Бу йил ҳам ушбу оромгоҳни танлади.

– Оромгоҳ ўз уйимдек бўлиб қолган, – дейди Абдурахим Абдумуталов. – Зеркиш нима, асло билмайман. Қолаверса, турли мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритяпман.

– Ҳам руҳий, ҳам маънавий жиҳатдан тобора те-тиклашиб бораётгандекман, – дейди Ойгул Абдувоҳидова. – Дугоналарим билан рус ва инглиз тили тўғра-гага қатнашиб, билишимизни мустаҳкамляпмиз.

– Икки мингга яқин ўзбек ва жаҳон адабиёт-ини жамланган шинам кутубхона, компьютер, шахмат-шапка, футбол, теннис, рақс, математика, расм каби тўғрақлар ўғил-қизларнинг кунини янада мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда, – дейди оромгоҳ раҳбари Саодатхон Мўминова.

Умуман олганда, масканда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, ошхона, турли-туман адабиётларга бой кутубхона, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари болажонлар ихтиёрида.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**  
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

## Таътил ҳайратлари

Шароф Рашидов туманидаги сўлим гўшада жойлашган «ENERJI» соғломлаштириш оромгоҳида айни пайтда 135 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаришмоқда. Дам олувчилар учун шахмат-шапка, баскетбол, волейбол, инглиз тили, расм чизиш каби турли тўғрақлар ташкил этилган. Турли маънавий-маърифий, маданий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилаётир.

– Икки мавсумда жами 405 нафар бола ҳордиқ чиқарди, – дейди оромгоҳ директори Ойбек Қурбонбоев. – Таъкидлаш жоизки, оромгоҳда ҳар бир кун том маънода дақиқалар билан белгиланган ва қизиқарли тарзда кечади. Шу мақсадда спорт марафонлари, кўнгличар ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, «Танишув кунини», «Саломатлик кунини», «Экологлар кунини», «Нептуни кунини, китоб кунини, спорт кунини шундай тадбирлардан ҳисобланади. Масалан, Саломатлик кунинида тиббиёт ходимлари иштирокида зарарли оdatларнинг олдини олиш, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳақида семинарлар бўлиб ўтади. Китоб кунинида кутубхоначи «Энг яхши шеър айтган бола», «Энг яхши эртақ билимдонини» ва бошқа кўрик-танловларни ташкил этади. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳар бир номланган кун аввалгисидан фарқ қилади. Ҳар бир кун дастури ва мавзулари бой ва қизиқарли бўлиб, болалар асло зериктишмайди. Буларнинг барчаси болалар дунёқарашининг кенгайишига, маънавийтини бойитишга хизмат қилмоқда.

Болалар «Билимдон», «Оромгоҳ шахзодаси ва маликаси», «Камалак экспресс», «Хазина» каби беллашувларда, шунингдек, спорт тадбирларида, масалан, «Оромгоҳ кубоги» учун футбол мусобақаларида иштирок этишдан жуда мамнун. Дам олувчиларнинг саломатлиги шифокор Матлуба Абдушукурова ва малакали ҳамширалар назоратида бўлиб, тиббиёт хонаси барча зарур жиҳозлар ва дори воситалари билан таъминланган.

Оромгоҳдаги ўн иккинчи кун, анъанага кўра, мавсум ёпилишига бағишланган катта байрам тантанаси хайрлашув гулхани ёқилади. Ўғил-қизлар шеър ўқиб, рақсга тушади. Ватан, тинчлик ва дўстлик ҳақида куй-қўшиқлар янграйди. Шу кунини улар бир-бирлари билан манзил ва телефон рақамларини алмашдилар, бу ерда танишган кўп-кўп дўстлари билан мустаҳкам ришта боғлашга келишадилар.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**  
«ISHONCH»



Навоий вилояти

## Болаликнинг болдан ширин дамлари

**«Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасаси тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 2023 йилги мавсум 4 июндан бошланган бўлиб, айни паллада 6 та стационар, 5 та кундузги ҳамда 2 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳларида минглаб ўғил-қизлар мароқли дам олишмоқда. Болажонларнинг ушбу сеvimли масканларига мазкур жамғарма ҳамда «Навоийуран» давлат корхонасида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг фарзандлари билан бир қаторда, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, чин етимлар, ногиронлиги бўлган болажонлар ҳам жалб қилинган.**

Эътиборли жиҳати, барча оромгоҳлар мамлакатимизнинг сўлим ва баҳаво худудларида жойлашган. Ташкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Пахлавон», Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги «Келажак», Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги «Сармиш» болалар оромгоҳлари баланд тоғлар бағрида қад ростлаган бўлса, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги «Болажон», Каттақўрғон туманидаги «Сўғдиёна», Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳридаги «Зарафшон» оромгоҳлари гузал ва бетакрор табият қўйнида бунёд этилган. Қорақалпоғистон Республикасидаги «Саримай», Навоий вилоятининг Нурота туманидаги «Нурли диёр» кундузги оромгоҳлари кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ташкил этилган бўлиб, ушбу масканларда ҳам болажонларнинг мароқли дам олишлари учун барча шароит муҳайё қилинган.

Кези келганда эътироф этиш жоизки, мазкур оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш жараёнида касба уюшмалари фаолларининг қўшган ҳиссалари беиннат ва муносиб бўлди. Таъмирлаш ва ободонлаштириш, янги жиҳозлар билан таъминлаш, олдиндан белгилаб олинган барча вазифалар тизим-

нинг алоҳида режаси асосида рисоладагидек амалга оширилди. Мавсум бошлангандан буён оромгоҳларга масъул қилиб тайинланган барча тиббий ходимлар эҳтимолда тутилган турли касалликларнинг олдини олишга катта эътибор қаратишмоқда. Тиббиёт бўлимларида шахсий гигиена қоидаларига амал қилишга ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга даъват этувчи кўр-газмали тарғибот ишлари тўхтовсиз амалга оширилаётганлиги айни мuddао бўлаётир. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилишга катта таърибага эга мутахассислар, тиббиёт ходимлари жалб этилган. Ҳар бир оромгоҳга тез тиббий ёрдам кўрсатиш машиналари ажратилиб, уларнинг барчаси тегишли дори-дармон воситалари билан таъминланган.

Комбинатга қарашли барча оромгоҳларда маънавий-маърифий, адабий-бадий, жисмоний тарбия ҳамда юксак кадрларимизни болажонлар онгига сингдириб борадиган тарбиявий аҳамиятга эга тадбирларни ўтказиш, концерт дастурлари ва кўғирчоқ театрлари томошаларини ташкил этиш нафақат болажонларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам қизиқишларига сабаб бўлмоқда. Айниқса, «Ёш кутқарувчи» шиори

остида ўтказилаётган амалиётларда, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш каби амалий машғулотларда болажонларнинг ўзлари бевосита қатнашиб, бу борада алоҳида кўникмаларга эга бўлишмоқда.

Айни паллада барча оромгоҳларда «Дўстлик» ҳафталигини ўтказишга жиддий ҳозирлик кўриляпти. Узлуксиз ташкил қилинаётган «Касблар билан ҳамнафас», «Заковат», «Билимдон тадқиқотчилар», «Сеvimли қаҳрамоним ёхуд эртақлар кунини», «Кўвноқ стартлар» каби турли мавзулардаги тадбирлар ҳам жажжи фарзандларимиз хотирасида бир умрга муҳрланиб қолаётир.

Мавсум бошлангандан буён оромгоҳларда тўқши, рассомчилик ва аппликация, квиллинг, инглиз тили тўғрақлари мунтазам равишда фаолият кўрсатаётир. «Китобхонлар», «Кулолчилик», «Актёрлик маҳорати», «Моҳир кўлар», «Сехрли ранглар», «Компьютер саводхонлиги», «Шашка ва шахмат» билан боғлиқ танловларда фаол қатнашаётган болажонлар келажакда ким бўлиши ҳақида ҳам муайян тасаввурга эга бўлишмоқда.

Муҳтасар ай-тганда, комби-

натга тегишли барча оромгоҳларда дам олаётган болаларнинг бугун кечагидан, эртаси бугунгидан мазмунли ўтаётганини уларнинг шўх-шодон кулгиларидан ҳам англаш мумкин.

**Нормурод МУСОМОВ**  
«ISHONCH»



